

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АЭРОКОСМИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 31 июль куни қишлоқ хўжалигида космик маълумотлардан фойдаланиш ва рақамлаштириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.

Бу куни кеча бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишининг мантийқий давоми. Мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш масаласи кўриб чиқилар экан, давлатимиз раҳбари ердан унумли фойдаланиш, самарадорликни ошириш йўлларини кўрсатган эди.

Бунинг учун аниқ ҳисоб-китоб ва таҳлил жуда зарур. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Ўзбеккосмос” агентлиги шундай имконият бермоқда. 2024 йил 14 октябрдаги Президент фармонида мувофиқ, иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик технологиялар жорий этилмоқда.

Жумладан, бу қишлоқ ва сув хўжалигидаги ҳақиқий ҳолатни, камчиликларни очик-ойдин кўрсатиб берапти. Икки йил мобайнида соҳада фойдаланилаётган 4 миллион гектардан зиёд ерлар космик мониторинг қилинди. Аниқланишича, ҳисоботларда кўрсатилган айрим майдонларда пахта экилмаган, баъзан эса захирадаги ёки эгаси номасълум ерларга экилган.

Шу боис, давлат томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитларнинг мақсадли ишлатилишини масофавий мониторинг қиладиган тизим йўлга қўйилиши белгиланди.

Иқлим ўзгариши ва сув тақчиллигидан келиб чиқиб, юртимизда ҳам сув талаб қиладиган янги навлар ва агротехнологияга ўтишмоқда. Лекин экинларни сугоришда сув сарфи меъёри ҳозирги ҳақиқатдаги талабга жавоб бермаслигини кўрсатиб ўтилди. Гидромулду районлаштириш ёндашуви ҳам эскирган. Оқибатда каналлар охирида жойлашган 3 мингдан зиёд фермерга сув етиб бормаяпти.

Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги илмий институтларни жалб қилган ҳолда сугориш меъёри ва гидромулду районлаштиришни тўлиқ янгилаш вазифаси қўйилди.

Фермерлар сарфлаётган сувнинг ҳалигача аниқ ҳисоби йўқлиги қайд этилиб, бунинг барча босқичларини рақамлаштириш, сувнинг контурма-контур ҳисобини юритиш зарурлиги таъкидланди.

Сув омборлари сиғими ҳам лойиҳавий қуввати бўйича ҳисобланиб келинар эди. Сўнгги



Халқимиз аҳиллиги ва ғайрат-шижоати, хавфсизлиги ва тинчлиги — бебаҳо бойлик. Давлатимиз раҳбарининг июль ойидаги фаолиятини, мамлакатимизда кечаётган жараёнларни кузатиш асносида чиқарган илк хулосамиз шу бўлди. Хориж ва қатор ички ҳудудларга ташриф, давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан учрашувлар, нуфузли делегациялар қабули, мамлакат тараққиёти, иқтисодиёт ривожини, халқимизнинг аҳиллиги, ғайрат-шижоати, хавфсизлиги, тинчлиги йўлидаги тақдирот ва видеоселектор йиғилишларида ана шу эзгу ғоя бор бабини кўрсатиб турди.

БОШ МАҚСАД — ХАЛҚИМИЗ ЯЙРАБ ИШЛАЙДИГАН ВА ЯЙРАБ ЯШАЙДИГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШ

I

Тафсилотларни Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан бошлаш мақсадга мувофиқ, назаримда. 10 июлда имзоланган мазкур ҳужжатда **халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрамини** янги Ўзбекистоннинг тараққиёт даражаси, жаҳон майдонидagi обрў-эътиборига муносиб тарзда, юксак савияда нишонлаш, юртимизда амалга оширилаётган изчил ишлохотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш белгиланди.

Байрам тантаналари **“Ватан учун, миллат учун, халқ учун!”** деган бош ғояни ўзида мужассам этишида ҳам катта маъно-мазмун бор. Қарорга мувофиқ, ушбу байрамни муносиб нишонлаш мақсадида Ўзбекистон

Республикаси Бош вазири бошчилигида республика комиссияси тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди.

Байрам арафасида жойларда мустақилликнинг юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги аҳамиятига бағишланган маънавий-маърифий анжуманлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадийи кечалар, миллий кино кунлари, умумхалқ сайиллари, маданият ва спорт тадбирлари ташкил этилади.

Ўзбекистон тобора инсон қадрини, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари улуғланадиган ижтимоий давлатга айланиб бораётгани, камбағаллигини қисқартириш, ёрдамга муҳтож тоифаларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, замонавий иш ўринларини кўпайтириш бўйича давлат дастурлари катта ижобий натижалар бераётганини ҳар бир инсон ҳаёти мисолида кўриб, ҳис этиб

турибди. Юртдошларимиз тафаккурдаги ўзгаришлар, янгилаш жараёнлари ташкил этилажак байрам дастурларида ўз ифодасини топади.

Мустақиллик — узоқ машаққатлар эвазига қўлга киритилган неъмат, ота-боболар орузи, келажак авлодлар ифтихори, миллат зехниятидаги қадрият. Байрамнинг маъно-мазмунини, қадр-қиммати ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Боиси, уни мустақамлашда, мустақил давлатимизни янада юксалтиришда шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг муносиб ҳиссаси бор.

Яна шу фурсатда иқроси билан мукамаллик касб этадиган қонун устуворлигини таъминлаш, асосийси, халқимиз яйраб ишлайдиган ва яйраб яшайдиган янги Ўзбекистонни қуриш мақсадида қаратилган сазй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асосини мустақамлаш йўлида муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Президентимизнинг “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустақамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, “Давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармойиши, “Мўғулистонга олий даражадаги ташриф соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Хорижий инвесторлар кенгашининг наватдаги мажлиси доирасида эришилган келишувларнинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари мазмун-моҳиятига кўра, бу борадаги ишларга янги истиқболлар очади.

Давоми 3-бетда

Бир ўлкаки...

ХАЛҚЧИЛ СИЁСАТНИНГ МОҲИЯТИДА ИНСОН ҚАДРИ МУЖАССАМ

Янги Ўзбекистондаги ишлохотлар марказида инсон турибди. Бу шунчаки шиор эмас, у том маънода халқимиз ҳаётида, тафаккурдаги ўзгаришларда, жамиятдаги муносабатларда ифодасини топаётган ҳақиқат. Бундай қараш давлат раҳбари илгари сарфлаган ташаббус ва ғоялар, давлат сиёсатининг бош йўналишига айланган. Ахир ишлохотлар нафақат янги қонун ва қарорларда, балки ҳар бир инсон ҳаётидаги туб ўзгаришларда амалий ифодасини топаётгани бежиз эмас.



Шу ўринда ўтмишнинг оғриқли саҳифаларини эсласак. Қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилган фуқаролар учун турмуш қанчалик оғир кечганини инкор этиб бўлмайди. Бир пайтлар қишнинг қаҳратонида кекса ҳам, ёш ҳам, хотин-қизлару ўқитувчи, талабалар ҳам пахта теримига чиқарди. Таълимдан, инсон ҳуқуқидан, тинч ҳаётдан воз кечгандек манзара ҳукмрон эди. Бу жараённинг қанчалик инсофсиз ва ғайриинсоний экани кўп йиллар давомида тан олинмади. Ҳозир бунинг сабабларини муҳокама қилмоқчи эмасмиз. Аммо ҳақиқат шундаки, Президентимиз раҳбарлигида ушбу адолатсизликка чек қўйилди. Давлатимиз раҳбари инсон ҳуқуқи, шаъни, қадрини деган тушунчаларни амалий сиёсатга айлантириб, таълим соҳасини ўз эгасига, яъни ўқитувчи ва ўқувчига қайтарди.

Давоми 2-бетда

Муносабат

АСАКА ТАЖРИБАСИ “ИСЛОХОТЛАР ШТАБИ” — ҲУДУДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМИ

Бугун ҳудудларни барқарор ва мувозанатли ривожлантириш мамлакат иқтисодиётининг узоқ муддатли ўсиши ва фаровонлигини таъминлашда халқувчи омилдир. Мазкур амалий жараён инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш, аҳоли бандлигини ошириш ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ҳам мустақам замин яратеди.



Сўнгги йилларда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос салоҳиятини ишга солиш орқали барча соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринлари очиш,

иқтисодиёт тармоқларининг фаоллигини ошириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва камбағаллигини қисқартиришга хизмат қилмоқда.

Давоми 2-бетда

Уйғоқ фикр

КИТОБХОНЛАР ҚАЛБИГА ЯНГИ ЙЎЛЛАР, ЯНГИ УСУЛЛАР ТОПАЙЛИК

6

Нуқтаи назар

ЮРТИМИЗ ТУРИЗМИ ИСТИҚБОЛЛАРИ ХОРИЖ НАШРЛАРИ ЭЪТИРОФИГА НИМАЛАР САБАБ БЎЛМОҚДА?

5



2025 йил 1 август, 156-сон

СТАНДАРТЛАШТИРИШ — ЭКСПОРТНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ МУСТАҚКАМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини тобора фаоллаштиряпти. Бу барча соҳа, айниқса, иқтисодиёт тармоқларидаги ривожланишни халқаро стандартларга мослаштиришга интилаётганимизнинг яна бир исботи. Нуфузли ташкилотнинг эркин ва шаффоф савдо муносабатларини тартибга солиш ҳамда кенгайтириш орқали аъзо мамлакатлар барқарор тараққиётини таъминлаш ҳамда одамлар турмушини яхшилашга қаратилган вазифалари Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар мақсадига тўла мос келади.



Абдурауф АБДУҚАЮМОВ,
Ўзбекистон стандартлар институти директори

Бойси, бугун имкониятлар қанча кенг бўлмасин, жаҳон бозорига кириб бориб, унда муносиб ўрин эгаллаш, халқаро савдо ҳажминини ошириш осон эмас. Бунинг ўз талаблари, сифат ва хавфсизлик назорати билан боғлиқ меъёрлари мавжуд. Мамлакатимизда миллий иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш, корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш, ҳар бир соҳани жаҳон стандартларига мослаштириш, юртимизнинг халқаро миқёсдаги ўрнини юксалтириш йўлидаги кенг кўламли ишлар замирида шу мақсад муҳассас.

Ҳар куни ўзгариб бораётган дунёда вазият низоҳатда қалтиб. Глобал экологик муаммолар шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш баробарида, экспорт бозорини кенгайтириш ҳозир долзарб вазифадир. Ўзбекистон охириги йилларда импортёр давлатдан экспортёрга айланмоқда. Барча тармоқда хомашини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш кўрсаткичи анча ўсган. Табиийки, биз ҳамкорлик қилган анъанавий давлатлар географиясини кенгайтириш зарурати ҳам ошди. Мамлакатимиз бунинг урдада. Ҳозир 120 дан ортиқ давлатга маҳсулот етказиб берамиз. Миллий брендларимиз ҳатто, Европа, океанorti мамлакатларига етиб бориб, муносиб баҳоланмоқда.

Куни кеча давлатимиз раҳбари расиғлида мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини кўпайтириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу йўналишдаги салоҳиятни анча юқори экани таъкидланди. Биргина мисол: жорий йилнинг дастлабки олти ойида мамлакатимиз озиқ-овқат экспорти 44 фоиз ўсиб, 1 миллиард 326 миллион долларни ташкил қилди. Экспорт географияси 16 та давлатга кенгайди.

Янги стандартлар

Нафақат ташқи, балки ички бозорни сифатли, хавфсиз, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талабига мос маҳсулотлар билан бойитиш муҳим масалалардан. Бу борада стандартлаштириш соҳасини ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

Бугун стандартлаш, сертификатлаш ишлари янгича ёндашувлар асосида бажарилмоқда. Аслида, халқаро бозор талаби шундай — эски усулдаги сифат сертификатлари энди талабга жавоб бермайди. “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонун айнан замонавий механизмларни назарда тутди. Ушбу қонун билан Ўзбекистон стандартлар институтига “Стандартлаштириш бўйича миллий орган” мақоми берилган ҳам бу йўналишдаги ишларни янги бошқича олиб чиқди.

Самарадорлик эса мамлакат экспорт кўрсаткичларида янада яққол кўринади. Илгари юртимиз экспортнинг ярми пахта толаси ҳиссасига тўғри келарди. Ушбу маҳсулот экспортдан тўлиқ воз кечилгандан кейин тайёр кийим-кечак сотуви 4 баробар кўпайди. Ўтган йилги натижаларга кўра, тўқима-чилик маҳсулотлари экспорти 3 миллиард 300 минг долларни ташкил этди. 2021 йилда Ўзбекистон GSP+ тизимига қўшилгани натижасида Европа бозорига тайёр маҳсулот экспорти 1,5 баробар ошди.

Ташқи савдода тайёр маҳсулот экспортини кўпайтиришда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш янада кенг имкониятлар очади. Шу боис, Ўзбекистон 2019 йилдан бу халқаро



тузилмага аъзолик жараёнини янгидан бошлаган эди. Ўтган даврда ушбу мақсад сари дадил қадамлар қўйилди.

Гап шундаки, Жаҳон савдо ташкилоти давлатлараро кўп томонлама савдо тизимини мувофиқлаштириб турувчи нуфузли халқаро тузилмадир. Дунё савдосининг 95 фоизи унга аъзо 164 мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Бундай катта бозорга кириб бориш учун маҳсулот кўплаб мезонларга тўғри келиши керак. Аввало, сифат талабларига мувофиқ бўлиши зарур. Бу талабларни кўрсатиб берувчи асос эса маҳсулотга бериладиган сифат стандартларидир.

Юртимизда бу борадаги ишлар тубдан янгиланаётгани боиси шунда. Масалан, ўтган икки йилда 4500 га яқин халқаро стандарт билан уйғунлашган миллий стандартлар қабул қилиниб, “тартибга солуви гиёлатина” усулида умумий ҳисобда қарийб 4000 та маънан эскирган стандарт бекор қилинди. Амадаги стандартлар ЖСТ талабларига мослаштирил-

моқда. Бугунга қадар тегишли вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари тақлифига асосан амалдаги 3094 та стандарт таҳлили ўтказилди. Хулосалар асосида 2026 йил учун халқаро стандартларни амалга кiritиш бўйича стандартлаштириш дастури шакллантирилмоқда.

Айрим турдаги қурилиш материалларини синовдан ўтказиш учун Европа стандартлари қабул қилинди. Ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар учун технологияларнинг энергия самарадорлиги бўйича “яшил” стандартлар жорий этилмоқда. Шунингдек, вазирлик ва идоралар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида 6800 га яқин (ўтган даврга нисбатан икки баробар кўп) стандарт фойдаланиш учун етказиб берилди.

Металли рений маҳсулоти учун “O”zMsT 626:2025” миллий стандарти ишлаб чиқилиб, амалиётга киритилиши натижасида Ўзбекистон технология металлари комбинати (ТМК) томонидан мамлакатимизда илк бор соғлиғи 99,9 фоиз бўлган рений метали экспорт қилинди. Шу каби ишлар натижасида юртимизда миллий стандартларни халқаро талаблар билан уйғунлаштириш даражаси ўтган йилги 28,6 фоиздан амалдаги 39,4 фоизга етказилди. Жорий йилда ушбу кўрсаткични 45 фоизга, 2026 йил якунига қадар эса 55 фоизгача етказиш кўзда тутилган.

Сунъий интеллект ёрдами

Кейинги вақтларда вазирлик, идора ва тармоқ уюшмалари ҳузурида стандартлаштириш бўйича миллий техник кўмиталар фаолияти қайта тиклангани ҳам соҳадаги аниқ механизмлардан бири бўлди. Ҳозир бундай кўмиталар сони 34 тага, техник кўмита аъзолари сони эса 824 нафарга етди. Аъзолар кенг миқёсда фаолият юритиб, Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) техник кўмиталари фаолиятида 40 мутахассис “тўлақонли”, 251 мутахассис “қузатувчи” мақомида иштирок этмоқда. Қолаверса, маҳсулот (хизмат)

ларнинг сифати ва инсон саломатлиги учун хавфсизлигини таъминлаш талабларини белгиловчи 300 дан ортиқ миллий стандарт, қарийб 2600 та халқаро стандарт билан уйғунлашган стандартлар қабул қилинди.

МДХ мамлакатлари доирасида ўтган навбатдаги мажлисда эса барча давлатнинг миллий идоралари томонидан бир овоздан маълумланган ҳолда юртимизда илк бор “Базальт ва ундан тайёр маҳсулотлар” давлатлараро техник кўмитаси фаолияти йўлга қўйилди. Натижада базальт маҳсулотлари учун Ўзбекистон манфатларини МДХ давлатлари орасида ягона техник кўмита сифатида илгари суриш, давлатлараро стандартларни ишлаб чиқиш бўйича ваколатларга эга бўлди.

Соҳани рақамлаштириш жараёни фаоллашгани ҳам янги имкониятлар очмоқда. Бугун стандартлаштириш йўналишига сунъий интеллект кириб келди. Ана шундай илгор рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан “Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизими ишлаб чиқилиб, “tris.uz” электрон платформаси ишга туширилди.

Ушбу миллий ахборот тизими 12 та асосий модулдан иборат бўлиб, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитациялаш ва давлат назорати йўналишларида барча жараёни рақамлаштириш, қозғош шаклидаги ҳужжатлардан воз кечиш, ҳамма сертификат, хулоса, баённома, хабарнома каби ҳужжатларни QR-код ёрдамида электрон расмийлаштириш мумкин.

Миллий ахборот тизими Рақамли ҳукуматнинг фойдаланувчилари ягона идентификациялаш тизими (id.egov.uz, OnelD), идоралараро интеграция платформаси ва ягона биллинг тизими, шунингдек, тегишли ташкилотларнинг ахборот тизимига интеграция қилинди. Натижада тизимнинг аттестация модули тўлиқ ишга туширилиб, бугунгача соҳанинг 1425 мутахассисдан 1274 нафари (89 фоиз) аттестациядан ўтди. Ушбу тизим ишга туширилиши аттестациядан ўтмаганларнинг

мувофиқлигини баҳолаш ишларида иштирокини чеклаш имкониятини бермоқда.

Миллий ахборот тизимининг стандартлар фонди модули (fond.tris.uz)га эса Ўзбекистон стандартлар институти томонидан 7100 дан ортиқ стандарт машина ўқийдиган форматга ўтказилиб, 5230 таси парсинг қилинди. Шунингдек, smart сунъий интеллект дастури асосида таржима платформасини жорий қилиш ишлари бошланиб, тегишли техник топшириқ лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Гап шундаки, ҳозир мутахассислар халқаро стандартларни давлат тилига таржима қилипти. Аммо бу жараён анча вақт ва маблағ талаб қилади. Бир саҳифа таржимасига ўртача 30-50 дақиқа керак. Стандартлар сунъий интеллект ёрдамида ўтирилганда эса ушбу вақт сарфи 5-10 дақиқача қисқариб, ресурслар тежалишига хизмат қилади. Яъни замонавий платформа соҳадаги ишларнинг тез ва самарали бажарилишини таъминлайди.

Хориж тажрибаси

Олдимиздаги асосий вазифалардан бири — миллий стандартларни халқаро талабларга мослаштириш. Бунинг учун бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиб, амалиётда қўллаш, чет эл ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилинмоқда.

Хусусан, бугун соҳада хорижий давлатлар билан икки томонлама 5 та келишувга эришилган. Германия стандартлаштириш институти (DIN) билан стандартларни тарқатиш ҳамда стандартларни таржима ва қабул қилиш, Беларусь давлат стандартлаштириш ва сертификатлаштириш институти (БелГИСС) билан техник меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш ҳуқуқини берувчи келишувлар шулар жумласидан.

Ўзбекистондаги Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) учун стандартлаштириш соҳасидаги рақамли трансформациянинг асосий йўналишларини қамраб олган 3 та лойиҳа паспорти ва концепцияси ишлаб чиқилди. Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида “Бир макон, бир йўл” ташаббусини амалга ошириш юзасидан Стандартлар институтининг тақлифлар лойиҳаси тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан жорий йилда тадбиркорлик субъектларининг 20 минг ҳодими малакаси оширилди. Шу асосида ўтган даврда тадбиркорлик субъектлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг 10 минг 559 мутахассиси малакаси оширилди. Натижада тадбиркорлик субъектларининг курсларда иштирок этиб, якуний тестдан муваффақиятли ўтган, маҳсулот сифатига масъул 91 ҳодимига сертификат, қолган тингловчиларга гувоҳномалар тақдим этилди.

Умуман, бугун соҳада асосий эътибор миллий стандартлаштириш тизимини халқаро амалиёт билан уйғунлаштириш, маҳсулот ва хизматлар ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг сифати, уларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Бу Ўзбекистонга жаҳон маҳсулот ва хизматлар бозори билан фаол ҳамкорлик қилиш ҳамда иқтисодиётни самарали ривожлантириш имконини беради.

Асосий, эътибор соҳада ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф қилиш, маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, саноатни замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёни хавфсизлигини таъминлаш, мамлакат ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Халқаро стандартларга мос сифат сертификатлари эса миллий бренддаги маҳсулотларнинг “ташир қозғоғ”и бўлиб, янги бозорларга кириб боришга йўл очади.

Ташаббус қанот ёзди



ҚИРЛАР БОҚҚА АЙЛАНИБ, ҚИШЛОҚЛАР САНОАТЛАШМОҚДА

Олтиариқ туманидаги Қапчугай қир-адирларини ўрнаттириш борасида бошланган ишлар, яшилликка бурканган бог-роғлар, кўкча бўйлаётган бинолар ҳайратингизни оширади. Фарғона — Қўқон катта автомобиль йўлига туташган қир-адирлар бу қадар ўзгариб кетишига ҳеч ким ишонмагани. Аммо бугун ҳаммаси ҳақиқатга айланди.

Дала-даштта обиҳаёт олиб келиниб, минг гектар ерда узумзор барпо этилганига ҳам тўрт йил бўлди. Кўз илгамас кенгликларда баравж ўсаётган боғлар бирин-кетин ҳосилга кирмоқда. Адирларни ўзлаштириш йўлида бошланган лойиҳалар фақат бог-роғ яратиш билан чекланиб қолгани йўқ, албатта. Бу ерда “Янги Олтиариқ” ёшлар кичик саноат зонасини қуриш доирасида истиқболли лойиҳалар ҳам бўй кўрсатаяпти. Энди бу ерлар тошлоқ, овлоқ жойлар эмас, балки обод, фойдали экотуризм масканларига айланмоқда.

Сақкиз гектар ердаги саноат лойиҳаларини қуриш ишлари туну кун уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик билан бажарилмоқда. Ишлаб чиқариш тармоқларига ҳаммадан ташлаб-тарбия, тиббий хизматга оид ҳамда аҳоли кундалик ҳаёти учун керакли бошқа ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар амалга

ошириляпти. Ҳар куни бир ўзгариш, янгила-ниш бўй кўрсатаяпти.

— Аввало, ишлаб чиқариш учун муҳим бўлган электр, сув ва газ тармоқлари тартиб келинди, йўللар ётқизилди. Тадбиркорларга имкон қадар қулайлик яратиш, муаммоларни бартараф этиш устида ишлаяпмиз, — дейди Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Кичик ва ёшлар саноат зоналари бўйича ягона дирекциянинг Олтиариқ тумани бўйича мутахассиси Акмалжон Қодиров. — Мазкур ҳудудда кий-ммати 23,6 миллиард сўмлик 20 та лойиҳа-ни амалга ошириш режалаштирилган. Шу кунга қадар умумий қиймати 6,6 миллиард сўмлик инвестиция эвазига 57 та иш ўрни очилди. Яқин кунларда яна 11 та лойиҳа ишга туширилиши кутилмоқда. Улар орқали 168 та янги иш ўрни вужудга келади.

Кичик саноат зонасида қурилаётган иншоотларда ҳаёт қайнади. Ишлаб чиқариш цехларига янги ускуналар ўрнатилмоқда, ишчи-хизматчилар учун керакли шарт-шароит яратилляпти.

— Спорт жиҳозлари ва кийим-кечак ишлаб чиқарамиз, — дейди “Расул ТС” оилавий корхонаси раҳбари Муҳаммадрасул Турсунов. — Шу пайтга қадар маҳалладаги мослашган бинони ижарага олиб ишладик. Маҳсулотимиз ҳажми камлиги боис, буюртмачилар билан тўғридан тўғри ҳамкорлик ўрната олмай, воститчилар ёрдамида соттамиз. Кичик саноат зонасида ер ақратиб берилгач, йирик ишлаб чиқарувчига айландик. Қўшимча ўнга ускуна олиб келдик. Чарм қўлқоп ва бокс қопи, гетра (маҳсул пайпоқ) ишлаб чиқариш тармоғини ишга туширдик. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш, экспорт миқдорини кўпайтириш имкониятини берди. Қўшимча 20 га яқин иш ўрни очилди.

“Асила Аслиддинова текстиль” МЧЖ 3 миллиард сўмлик инвестиция асосида пайпоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада 25 фукаронинг бандлиги таъминланди. Тажрибали тадбиркор Асрорбек Маҳмамов ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш ниятида.

— Илгари бир қарич ер олиш мушкул эди, — дейди тадбиркор. — Энди ҳаммаси яхши тарафга ўзгарди. Ишлайман деганга имконият бериляпти, қўллаб-қувватланмоқда. Ўзимизнинг пахта толасидан тайёрланган



пайпоқлар ҳаммаша харидорғир бўлган. Янги корхонада “Gradus” бренди остида бежирим ва сифатли маҳсулотлар тайёрляямиз. Яқин кунларда Россия ва Қозғистонга маҳсулот экспорт қила бошляймиз. Бу борада бизга солиқ, божхона, йўл-транспорт хизматларида ўзига хос имтиёз ва имкониятлар яратиб берилган.

Саноат зонасида тикувчилик, тўқувчилик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехлари фаолияти ҳам босқичма-босқич йўлга қўйилмоқда. Бу жараён тумани саноатлашти-риш, чекка қишлоқларга саноатни олиб кириш янги босқичга кўтариляётгани, аҳоли бандли-гини таъминлаш, фаровонлигини оширишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли.

— “Янги Олтиариқ” ёшлар кичик саноат зонасида иш бошляётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда, — дейди Олтиариқ тумани ҳокими Шамсиддин Турдалиев. — Шу кунга қадар 1000 киловатт-лик иккита трансформатор ўрнатилди, бир километрга яқин сув тармоғи тортилди. Бу ишлаб чиқариш корхоналарини узлуксиз электр ва сув билан таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, муқобил электр манбалари-дан фойдаланиш борасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватляямиз.

“Янги Олтиариқ” ёшлар кичик саноат зонасининг яна бир ўзига хос жиҳати бор. Ишлаб чиқариш тармоқларига ҳаммадан қуриляётган замонавий кўп қаватли уй-жой-лар олтиариқлик ёшлар учун янги имконият эшикларини очмоқда. Бугунга қадар бу ерда 3 та беш қаватли турар жой барпо этилди. Яна иккита кўп қаватли уй жадал қуриляпти.

— Ўтган йили оилам билан кўйиб келган-ман, — дейди Гулноза Исмоилова. — Яшаш жойимизга яқин ҳудудда “Асила Аслидди-нова текстиль” МЧЖ томонидан қурилган корхонада пайпоқ ишлаб чиқарляпмиз. Шарт-шароити жуда яхши. Мўҳими, фарзандларим, яқинларим олдидаман. Ойлик маошимизни ўз вақтида оляймиз, тушлигини бепул, дам олиш учун қулай шароит яратилган. Мазкур ерга кўйиб келиб, ишлаш истганини биди-раётганлар кўндан кўнга кўпайиб бормоқда. Боғча, мактаб, дўкон сингари хизмат кўрсат-иш тармоқлари қуриляётгани узогимизни яқин, огиримизни енгил қилляпти. Иш излаб бошқа жойга боришга зарурат қолмади. Ҳам-маси бир жойда. Бу жуда катта имконият.

Кичик саноат зонасида меҳнат қилаёт-ган тадбиркорларнинг шижоати яйдок дала-дашларни яшилликка буркамоқда. Тикан-зорлар ўрнида янги бог-роғлар, равон йўллар қуриляётгани кўз илгамас Қапчугай қирлари-га янги ҳаёт нафасини олиб кирмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

КЕНГ УҒҚЛАР, БАЛАНД ОРЗУЛАР, ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ



Баҳодир ШЕРМУҲАММЕДОВ, педагогика фанлари доктори, профессор

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир, дейди улуғ шоир Чўлпон. Ҳа, халқ буюк куч. Халқ баъзан йўл бошида туриб, ён-атрофни кузатиб, ўзига етакчи танлайди — юртни ҳаракатга келтира оладиган, юрагида жасорат, кўзида нур, юришида ишонч бор шахсга эргашади.

Ўзбекистон учун бундай палла 2016 йилда бошланди. Халқ ўз танловини қилди — Шавкат Мирзиёев мамлакатни бошқаришга киришди. Шундан буён орадан ўтган йиллар рақамларда эмас, юракда ўлчанадиган йиллар. Бу йиллар сакраётган қоплонга ўхшайди: у орқага эмас, фақат олдинга, ўз қудрати билан сакрайди, юксалади, ғоявий ва иқтисодий пойдеворни мустаҳкамлайди.

Бугун орта назар солар эканмиз, фақат ўзгаришларни эмас, балки янгиланишни, тараққиётни, ҳаётга бўлган ёндашувдаги туб бурилишни кўрамиз. Шундай ислохотлар бўлдики, улар фақат тизимни эмас, тафаккурни ҳам ўзгартирди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон жамиятида улкан юксалишлар юз бермоқда. Бугунги кундаги юртимиз сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаёти саккиз йил аввалги ҳолат билан солиштирилса, тубдан фарқ борлиги аён бўлади. Халқнинг давлатга,

Янги Ўзбекистондаги ҳар бир янгиллик, аввало, инсон ҳаётига қулайлик яратиш, адолатли муҳит барпо этиш, халқни давлатнинг асосий бойлиги ва кучи сифатида эътироф этишдир.

Давлатимиз раҳбари яна бир ўта долзарб масалага тўхтаган ҳолда бундай дейди: **“Инсон — давлат ва жамият учун мақсадга эришиш воситаси эмас, аксинча, ана шу мақсаднинг бош мазмуни ва манбаи ҳамда энг олий қадрият бўлиши лозим”**.

Бугун инсон қадрини улуғлаш, муносиб турмуш учун имкониятлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, сул-ҳуқуқ тизими — барчаси инсон манфаатлари йўлида ислох қилинмоқда. Буни халқ ўз ҳаётида тобора кўпроқ сезмоқда.

Янги Ўзбекистон инсон қадрини ҳаммаша устун қўядиган, халқ манфаати учун ҳаракат қиладиган давлатдир. Бу йўл юртимизни келажакда янада эркин,

Мамлакатимизда таълим ва тарбия соҳасининг устувор йўналишига айлантирилгани, олий таълим муассасалари сони ва сифат кўрсаткичлари ортиб бораётгани, стипендиялар ва маошлар оширилиши натижасида ўқитувчи “илм ва маърифат маскани”га қайтди.

Бунга параллел равишда илмий тадқиқотларга ажратилаётган маблағ ҳажми ошди, ёш олимларга кенг имкониятлар яратилди. Илмий грантлар, хорижий таълим дастурлари, халқаро рейтинглар билан ишлаш — буларнинг бари янги Ўзбекистоннинг илм-фан ривожига берган эътиборидир.

Олий таълимда очиклик, рақобат ва янгиланиш даври бошланди. Университетлар интеграциялашди, янги факультетлар очилди, хорижий дипломлар тан олина бошланди, стипендиялар ошди, ёш олимларга имкониятлар эшиги очилди. Илм давлат сиёсатининг устуворлигидан бирига айланди. Фарғона давлат университетида бугун нафақат таълим, балки илм-фан, инновация, халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Рақамли технологиялар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган бир пайтда таълим тизими рақамлаштирилиши замонавий тараққиётнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Жорий этилган “Электрон университет” тизимлари, “илм-фан — ишлаб чиқариш — инновация” учлиги орқали амалга оширилаётган рақамли лойиҳалар таълим сифатини юксалтирмоқда.

“Электрон университет”, масофавий таълим, сунъий интеллект асосида болашол биз учун ўзгармас воқеликка айланди. Рақамли трансформация таълимни тез, аниқ ва шаффоф қилди.

Коррупция — жамиятни ичдан емирувчи вирус. Бу иллатга қарши кураш давлат сиёсатининг асосий фронтига айланди. Ҳар бир университетда “Коррупциясиз соҳа” тамойили асосида ишланмоқда. Имтиҳонлар, аттестациялар, маблағ ажратиш жараёнлари шафдофлаштирилди. Фарғона давлат университетида ҳам “Коррупцияни илдизига



жамиятга, эртанги кунга муносабати бутунлай янгича мазмун касб этмоқда. Бунинг замирида “Инсон қадри учун” ғояси турибди.

Кенг қўлмили ислохотлар марказида айнан инсон, унинг шаъни, гурури ва эркин яшаш ҳуқуқи туради. Президентимиз бу борада конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқда бундай деганди: **“Инсоният илмий-технологик даврга қадам қўйди. Жаҳонда кескин трансформация жараёнлари ва рақобат кучаймоқда. Эртанги кунини ўйлаган халқлар ва давлатлар ўз келажиги ҳақида бугун ҳар қачонгидан ҳам жиддий бош қотирмоқда. Шу ўринда табиий саволлар туғилади. Мана шундай ҳал қилувчи паллада ва келажакда давлатимизда, жамиятимизда инсоннинг ўрни ва қадри қандай? Қандай сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-гуманитар тамойиллар, қадрият ва манфаатлар биз учун устувор аҳамиятга эга бўлади?”**.

Бу саволга амалий жавоб сифатида Ўзбекистон Конституциясини янгиллаш, унинг мазмунига “инсон — жамият — давлат” ёндашувини сингдириш бўйича кенг қамровли ишлар қилинди. Бош қонунимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати устувор бўлиши белгиланди. Президент бу борада бундай фикр билдирган: **“Биз барпо этаётган Янги Ўзбекистон учун инсон қадри ва халқ манфаати — ҳамма нарсадан устундир”**.

Айни шу тамойил асосида ислохотлар амалга оширилиб, барча соҳаларда инсон манфаатлари устуворлик касб этмоқда. Хусусан, конституциявий ислохотлар нафақат қонунчилик жиҳатидан, балки мазмунан ҳам халқнинг эртанги ҳаётини яхшилашга қаратилган.

тараққиқ топган ва адолатли жамият сари етакламоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг бошқарув концепцияси оддий, лекин улуғвор: инсон қадри ҳамма нарсадан устун. Йиллар давомида якжаҳомлик остида эзилган



пахтакор энди меҳнатининг эвзига роҳат кўради. Мажбурий меҳнат тарихга айланди. Деҳқон ерга эгалик қилади, фермер ҳосилини ўзи сотади, халқаро ташкилотлар бу ўзгаришни тан олди.

Бу шунчаки қўғоздаги ислохот эмас, балки инсон шаънининг тикланишидир. Пахта бутун кийимга айланиб экспортга чиқмоқда, фермерлар ҳаётидан мамнун, болалар далада эмас, мактабда.

Олий таълим тизимидаги ислохотлар, профессор-ўқитувчилар, илмий салоҳиятли мутахассисларнинг жамиятдаги мавқеи оширилди.

йўқотамиз” шиори остида бу борада доимий мониторинг асосида иш олиб борилмоқда.

Бугун орқага қараб, сўнгги саккиз йилда амалга оширилган ислохотларни кўриб, кўз олдимизда қандай катта сакраш, қандай улкан ҳаракат, қандай мардонга босқичлар турганини ҳис қиламиз.

Энди эса олдимизда кенг уфқлар, баланд орзулар, юксак мақсадлар турибди. Янги Ўзбекистоннинг эртаси маърифатли, кучли, барқарор тараққиётга йўналтирилган бўлишига ишонамиз.



2025 йил 1 август, 156-сон

5

Нуқтаи назар

ЮРТИМИЗ ТУРИЗМИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ХОРИЖ НАШРЛАРИ ЭЪТИРОФИГА НИМАЛАР САБАБ БЎЛМОҚДА?

Алишер ЭШТАЕВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор



Ўзбекистон туризм салоҳияти сайёҳлар учун қулайлик, хавфсизлик ва ташриф буюришга арзийдиган манзиллар нуқтаи назаридан халқаро доирада юксак эътироф этилмоқда. Жумладан, “BBC Travel” глобал медиапортали Ўзбекистонни 2025 йилда саёҳат қилиш учун энг яхши 25 та йўналиш рўйхатига қиритди. АҚШнинг етакчи нашри — “The New York Times” Бухоро шахрини 2025 йилда ташриф буюришга арзийдиган 52 та энг яхши жой, “Time Out” журнали эса Самарқанддаги Регистон майдонини дунёдаги энг гўзал 44 та жой сифатида қайд этди.

Туризм соҳасидаги ўзгаришлар ҳамда ислохотлар ҳақида 2025 йилнинг ўтган даврида маҳаллий оммавий ахборот воситаларида 3,8 мингта яқин материал эълон қилинди. Хорижий оммавий ахборот воситаларида 250 дан зиёд материал чоп этилди.

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган кескин рақобат муҳитида туризм иқтисодиётининг фаол ривожланиётган соҳаларидан бирига айланмоқда. Бугунги кунда дунёда 200 миллионга яқин киши туризм соҳасида меҳнат қилмоқда. Ундан тушайётган даромад 1 триллион долларни ташкил этмоқда. Сайёҳлар сафи ҳар йили 4-5 фоиз кўпайиб, бошқа давлатларга сафар қилувчилар сони 1 миллиарддан ошади. Қолаверса, ҳозир дунёда яратилаётган ҳар 10 иш ўринининг биттиси айнан

Ушбу видеоселектор йиғилишида айтилган имкониятларни ишга солиб, жорий йилда туризм соҳасида:

- хориждан 15 миллион сайёҳ жалб қилиш ва экспортни 4 миллиард долларга етказиш;
- 635 та меҳмонхона ва меҳмон уйини ишга тушириш, 50 мингта янги иш ўрни яратиш;
- қўшимча 375 та туроператор фаолиятини йўлга қўйиш;
- Андижон, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Тошкент вилоятида 1 тадан, Қашқадарёда 2 та ва Бухорода 3 та туризм қишлоғи ташкил қилиш устувор вазифалар этиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқлар асосида юртимизда 2025 йилнинг биринчи ярим йилида туризм соҳасида анча-мунча ишлар қилинди.

Хусусан, жорий йилнинг январь-июнь ойлари давомида 5,3 миллиондан ортиқ хорижий сайёҳ ташриф буюрган ва туризм хизматлари экспортни 2,4 миллиард долларни ташкил этган. Бунда кўшни давлатлардан ва МДҲ мамлакатларидан ташриф буюрган сайёҳлар сони 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 1,1 баробар, узоқ хориж давлатларидан келганлар 1,3 баробар ошган. Давлатлар кесимида Хитойдан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,6 баробар, Франция, АҚШ, Испания, Малайзия, Ҳиндистон ва Туркиядан 1,2 баробар, Германия ва Италиядан 1,1 баробар кўп сайёҳ келган.

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида ҳудудлар бўйлаб аҳолининг 12,3 миллионга ташрифи амалга оширилган. Ижтимоий кўмак сифатида имконияти чекланган 8,3 мингта яқин шахс ва 2,7 миллион ёшнинг саёҳатлари ташкил этилган.

туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келмоқда. Туризмда топилган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб боради, саноатда ва бошқа тармоқларда бу кўрсаткич 10 фоиздан ошмайди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда туризм бўйича жуда кескин ўзгаришлар кузатишмоқда, улар соҳа ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, туризм ривожига қаратилган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда, халқаро ва маҳаллий даражада ўтказилаётган тадбирлар, янги таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиши, янги туризм маҳсулотлари ва йўналишлар яратилиши, туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга оид сайёҳ-ҳаракатлар, хорижий инвесторларни жалб қилиш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқ вакилларининг ташрифи ва бошқа қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз жорий йил 9 апрелда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини ошириш, хорижий инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида туризм соҳасидаги айрим камчиликларга алоҳида тўхтаб ўтди. Жумладан, ҳудудларда капусалали уйлاردан иборат маскан фақат Китебода очилгани қайд этилиб, қолган 35 та туман ва шаҳарда ҳам очиш зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддиларга “туризм ҳалқаси”га кирган йўллари таъмирлаш бўйича ҳисоб-китоб қилиб, ишларни бошлаш топширилди. Туризм қишлоқларини ташкил қилиш бўйича 3 йил олдин бошланган иш яхши самара бераётгани эътироф этилди. Шунингдек, йиғилишда жойлардаги имкониятларни юзага чиқариб, туризм йўналишларини кўпайтириш, сайёҳларга шартли равиш кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Масалан, Сариосиё туманининг асосий қисми тоғлардан иборат бўлиб, қишки туризм учун катта салоҳият мавжуд. У ерда дор йўли, меҳмонхона ва савдо-сервис хизматлари соҳасида 200 миллион долларлик лойиҳалар қилса бўлади. Чортоқ тумани ҳам гўзал табиати, шифобахш суви билан машҳур.

Мутасаддиларга шу каби 36 та туман ва шаҳарни этно, гастрономик, тиббий, экстремал, маданий-тарихий, зиёрат, қишки ва агротуризм асосида ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди.

15 та хорижий йирик медиаплатформада мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятига оид 50 га яқин контент жойлаштирилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида Қашқадарё вилоятида Башир ва Қайнар, Жиззах вилоятида Узунбулоқ, Фарғона вилоятида Топволдиев, Самарқанд вилоятида Оқсой ва Омонқўтон, Сурхондарё вилоятида Нило туризм қишлоқлари ва туризм маҳаллалари ташкил этилиб, уларнинг жами сони 26 тага етказилди.



Соҳада рақамлаштиришни жадаллаштириш мақсадида “Tourist map” интерактив портали ва мобил иловаси ишлаб чиқилди ҳамда синов тарихида Самарқанд халқаро аэропортида интерактив ускуналар ўрнатилган ҳолда ишга туширилди.

Самарқандда Халқаро туризм академияси фаолияти йўлга қўйилиб, унда малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Ушбу даврда маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб қилиш мақсадида мамлакатимизда халқаро ва республика миқёсидаги кўплаб тадбирлар ўтказилди. Хусусан, Қорақалпоғистонда “NavrUZ” этнофестивали, “Орол туризми” ҳафталиги, “Миздақхон — муқаддас ва сирли макон” номи халқаро фестивал, “Mo’ynoq Ralli — 2025” экстремал авто-мото пойғалари, “Sixiya” халқаро электрон мусика фестиваллари, Бўстонлик туманида II халқаро “Farhod Challenge — Strongmen Games” турнири ҳамда Хива шаҳрида V халқаро “Pahlavon Mahmud — Strongmen Games” баҳодирлар ўйини мусобақаси юқори савияда ташкил этилди.

Мамлакатимизда туризм учун энг қулай вақт ҳисобланган март-апрель ойларида барча ҳудудларда ички туризм ярмаркалари ўтказилди.

Ҳозирги даврда юртимизга сайёҳларнинг асосий қисми тарихий-маданий туризм йўналишида келмоқда. Бизда туризмнинг жуда кўп турлари ва шакллари (тарихий-маданий туризм, аграр



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Туризм ва унга ёндош соҳалар йўналишида 11 мингта яқин янги иш ўрни яратилган. Ҳудудларда 60 та янги меҳмонхона, 287 та оилавий меҳмон уйи, 146 та хостел ва 24 та бошқа жойлаштириш воситаси (12,8 минг ўрин) ташкил этилган. Бугунги кунда меҳмонхона ва жойлаштириш воситалари сони 6448 тага етиб, ўринлар сони 170 мингтадан ошган.

Сайёҳларга хизмат кўрсатувчи 368 та янги сайёҳлик ташкилоти ва тургент фаолияти йўлга қўйилиши натижасида уларнинг сони 4052 тага етган.

Республикамиз бўйлаб 3415 гид-экскурсовод фаолият кўрсатмоқда, жорий йилнинг январь-июнь ойларида 215 гид-экскурсовод тайёрланган.

Хорижий давлатларда (Испания, Венгрия, Германия, Россия, Хитой, БАА, АҚШ каби) бўлиб ўтган 18 та нуфузли туризм кўргазмаси ва ярмаркасида Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти тарғиб қилинган.

Мамлакатимизнинг туризм салоҳияти “Хитойда Ўзбекистон туризм йили” доирасида 20 тадан ортиқ провинцияда тақдирот қилинган.

туризм, этнотуризм, зиёрат туризми, экологик туризм, таълим туризми, гастрономик туризм, спорт туризми, оммавий тадбирлар туризми) ривожлантириш, улар бўйича сайёҳларни жалб қилиш имкониятлари мавжуд.

Халқаро миқёсда оммавий туризмдан воз кечилиб, индивидуал туризмга катта эътибор қаратилмоқда, яъни сайёҳларнинг алоҳида қизиқишларидан келиб чиқиб, инновацион туризм йўналишларини ишлаб чиқиш кенг тус олмоқда. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда фаолият юритаётган туризм ташкилотлари ушбу жараёнга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон туризм бозорида миллий туризм брендини фаол илгари суриш, маркетинг тадқиқотларини амалиётда кенг қўллаш, ижтимоий тармоқларда реклама, соҳада малакали кадрлар тайёрлаш, амалиёт ҳодимларини малакасини ошириш тизими кенгайтириш соҳанинг ривожланиш имкониятларини оширади.

Умуман олганда, мамлакатимизда туризм соҳасида замонавий йўналишлар ва турларни йўлга қўйиш хорижий сайёҳлар оқими ортиси, ички ва халқаро туризм ривожланиши ҳамда ташриф географияси кенгайишига олиб келади.

